

АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИННИГ РИВОЖЛАНИШИ. МАКТАБ СИНФЛАРИДА ЁРУҒЛИК ВА РАНГНИНГ АҲАМИЯТИ.

Сайдюсупова Мафтуна Фарход қизи
Комолиддин Бехзод номидаги,
Миллий рассомчилик ва дизайн институти
“Дизайн” кафедраси, ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ҳеч бир инсон мактаб синф хоналарини, унинг дизайнни ва бино лойихасини, ўқиш учун мўлжалланганини, таълим жараёни самарадорлигида муҳим рол ўйнашини инкор этмайди. Тадқиқотчилар томонидан таълим муассасаларида дизайн муҳитининг таъсири бўйича изланишлар олиб борилиб, асосий натижалар олинган.

Калит сўзлар: Замонавий архитектура, интеръерда ёруғлик ва ранг, иссиқ ва совуқ ранглар, ранглар таъсири.

Замонавий изланишларда мактаб архитектураси ва маконида асосан маконнинг эксплуатацион сифатларига қаралган: табиий кундузги ёруғлик, ҳавонинг тозалиги, ҳарорат ва шовқин даражаси. Ҳарорат, синфи иситиши ва тоза ҳаво – муҳитнинг энг зарурий элементлари, индивидуал ўзлаштиришга таъсири. Тафсилотларда ҳавонинг сифати яхшиланиши натижасида болаларнинг дарсдаги давомати ошиб борганлиги келтирилган. Синфда шифтнинг баландлиги синф ўқувчилар билан тўла бўлганда ўзлаштириш пасайган. Лекин мактабгача таълим муассасаларида шифтнинг пастроқлиги болаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари юқорироқ бўлганлиги кузатилган. Синфдаги фойдаланиладиган мебеллар бўйича тадқиқот олиб борилганда болаларнинг ўзини тутиши шуни кўрсатдики, янги дизайнда ишланган мебеллар болаларнинг дарс бажаришларида анча яхши натижани берган. Мактаб мебелларининг дизайнни болаларни бўйига эмас балки ўтирган ҳолатда тизанинг баландлигига асосланган бўлиши керак.

Синфда парталарнинг жойлашуви анча аҳамиятга эга фактор: парталарнинг қатор бўйлаб жойлашуви индивидуал ишларда энг қулай ва вазифаларни бажаришларида вақтлари bemalol етади. Дарсларни яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчилар парталарнинг нотўғри жойлашувининг таъсиридандир, агар парталар қатор бўйлаб жойлаштирилса уларни дарсни ўзлаштиришлари яхшиланади. Бошланғич синфларда гурух ишларининг самарадорлиги учун уларни умумий

стол атрофига ўтқазиш керак. Афсуски амалиётда гурухнинг ўлчами умумтаълимий ёки педагогик логика билан эмас балки, тез тез синф мебелларининг жойлашуви бўйича белгиланади.

Ўқувчиларни биргаликдаги унумли ташкилий ишлари ва ўқувчиларни бир - бирига ва ўқитувчи билан ўзаро таъсиридаги қулайлик ҳамда уларнинг харакатларини кузатишда қулай бўлиши учун столларни айланади ёки ярим айланади шаклда жойлаштириш керак.

Мактабда компьютерлардан фойдаланиш муаммолари ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан ёритилганлик ва ташкилий индивидуал иш жойларида масалалар ҳам кўрилган. Компьютер хоналарида эргономик мебеллар таълимий мухитда ижобий таъсир қиласи. Бу факторлар таълимга, ҳамкорликка ва ўзлаштиришга таъсир этади.

Синф ва уйдаги қулай ва ўйлаб қўйилган китоб жавонлари ўқувчининг дарс вазифаларига ажратилган вақтини узайтириб беради. Архитекторларнинг нуқтаи назаридан болалар ишларининг намойиши учун катта майдонлар визуал маконда тирбанд қилиб кўрсатади. Лекин уларда жалб қилишни оширади ва болаларда мативацияни оширишга имкон беради. Қулай мактаб ҳовлиси болаларнинг ўзлаштиришида фаол ҳаракатни уйғотади.

Шундай қилиб архитектуравий ва дизайн мухит ҳар бир таълим муассасасида ижобий таъсир кўрсатиб ўқувчиларни дарсларни ўзлаштиришида, қабул қилишида самарали натижা бериши маълум. Мамлакатимизда мактабдан ташқари таълим муассасаларида болаларни жалб қилиш ва бўш вақтларини самарали ўтказишларида таълим муассасаларининг экстеръер ва интеръери мухим аҳамиятга эга. Шунинг учун мактабдан ташқари таълим муассасаларида дизайн мухитига эътибор қаратилса таълим муассасасининг контенгенти ошади ва таълим самарадарлиги яхшиланади.

Интеръерда ёруғлик дизайнни – бу турли хилдаги ёритиш жихозларининг кўп даражали тизимиdir. Бир вақтнинг ўзида у ёки бу бинонинг вазифалариги мос равишда функционал, эстетик ва эмоционал вазифаларини хал этади. Умуман олганда ёруғлик дизайннида унинг барча рационаллик хоссаларида қандайдир сехрли элемент мавжуд. Ёруғлик – шу қадар кучли ва пластик “материал”ки унинг ёрдамида ҳар қандай образдаги предметларни “ясаш” мумкин. Театр, кино, фотосурат – бу санъат турларининг барчаси ажойиб эффектларга эришиши ёруғлик сехрининг натижаси.

Интеръерга мувофиқ равишда, замонавий инсон учун шунчаки яшаш жойи эмас, балки ёруғликнинг роли ҳайрон қоларли даражада ўсди. Ёритиш тизимининг лойихаси – интеръерда турли образлар палитрасини яратишида дизайнернинг энг мухим иш лаҳзасидан биридир. Ҳар бир нурда кўплаб ўзига

хосликлар мавжуд, яъни шу ёруғлик нурининг турли жилоси – кучи ва ёрқинлиги. Улардан турли кўринишдаги ёритиш жиҳозларини яратиш мумкин.

Ёруғликда кўпгина характеристик нур оқими, ёрқинлик ва ёруғлик кучи мавжуд. Ва булар билан турли конструкцияли ёритиш жиҳозлари “ўйнайди”.

Сунъий ёруғлик рангга эга. Турли хилдаги ранглар ёруғлик манбайи характеристига боғлиқ. Масалан, лампаларни қиздиришда сариқ нур кўпроқ бўлади ҳамда қўшимча қўк ва бинафша ранглар мавжуд бўлмайди. Шунинг учун интеръердаги қўк ва яшил рангли нурларни лампа орқали узатиш оддий рангли чироқлардан кўра қийин кечади.

Ёруғлик ранг каби иссиқ ва совуқ турга бўлинади. Бу хоссалар ёритиш ускуналарига ўрнатилган ранг фильтри орқали аниқланади. Шунингдек деворга юзасига берилган фактура турлари, обой матосига тушаётган нур уни юмшатади. Баъзи бир ёритиш ускуналарида унинг акс этиш жиҳатлари тизими ҳам ўрнатилган, ишлаб чиқилган. Қулай зарғалдоқ рангли лампанинг сирти мисли ёки сариқ анодланган қоплама бўлади. Сунъий ёруғлик манбай. Хона ёруғлиги қанчалик табиий бўлса, кишининг кўриш қобилиятига шунчалик заарсиз бўлади. Замонавий биноларда лампаларнинг уч туридан фойдаланилади: қиздирувчи, галогенларга оид, кундаликдаги ёруғлик лампалари. Улар қанчалик зўр бўлмасин, барибир қуёшни ўрнини боса олмайди, улар фақат қуёшга ўхшашдир. Ҳар бир ёритгичлар “оиласи” муълум жойда ўзининг диапазонида нурланади. Ёруғликнинг иккита анъанавий тизими мавжуд: локал ва байрамона. Илгари биринчи ҳолат учун энг аввал шамдонлар, сўнгра стол лампалари ва торшерлар, иккинчи ҳолат учун эса – қандиллар ишлатилган. Тараққиёт натижасида бу икки вазифани истаган ёритиш ускунаси бажариши мумкин, албатта бирон ёқиши-ўчириш ёки масофавий пульт орқали. Сўнгги йилларда электр ёруғлиги борасидаги ишлар “юлдузли осмон” қадар ўсди. Улар ёруғлик ўтказувчи, проектор ва ёруғлик фильтри. Барча ёруғлик ўтказувчи шиша толалар турли қалинлик, ўтказувчанлик хусусиятига эга. Ёруғлик нурини фильтр диски ускунанинг қизиши ҳисобига секин айланади ва шифтда ҳосил бўлган “юлдузли осмон” тўлқинсимон тарзда ўз рангини ўзгартириб, жилоланиб туради. Ҳавода толасимон, сирли нурлар пайдо бўлади.

Нур оқими турлари. Интеръер дизайннида ёруғлик нурининг барча имкониятларидан фойдаланилади. Биринчидан бу аниқ нуқтага йўналтирилган нур. Бунда ёруғлик нури маълум нуқтадан чиқиб, хона шифтида ўртача ёки қуйи даражада бўлади (стол лампасида ва ҳ.к.). Бир нуқтадан чиқаётган нур светильник (стол лампаси)нинг қаерга ва нима учун қўйилганлигига қараб йўналтирилган ва йўналтирилмаган бўлади. Масалан, дизайнер стол

лампаларини ишлаб чиқишида хонадаги ўрнига, қаерга қандай нур таратишига қараб жойлаштириши зарур.

Иккинчидан бу кенг доирага ёруғлик таратадиган шарсимон ёки девор ичига ўрнатилган лампа бўлиши мумкин. Учинчидан табиий нур бўлиши мумкин. Табиий нур эса энг заарсиз нурдир. Лекин табиий нур ҳам қаерда қай даражадалигига қараб фойдали бўлади. Деразадан тушиб турган ҳаддан зиёд қуёш нурида китоб ўқисангиз, кўзингиз ачишиб, ёшланиб кетади. Агар қуёш нурининг энг иссиқ ва сасариқ нури узокроқда бўлиб, фақат унинг ёруғлигига китоб ўқисангиз бу нур кўзни чарчатмайди. Айнан шунинг учун ҳам ҳозирда ишлаб чиқарилаётган светильникларга соя берувчи тизим ўрнатилмоқда. Лампадан чиқаётган нур оқими аввал соя берувчи тизимга урилиб, сўнгра хона шифтига ва шу хона доирасида ёришади. Маконда ёруғлик ва ранг. Ёруғлик нури хона рангларини ўзгартириб юборади. Электр қувватида ҳосил қилинадиган сунъий ёруғликнинг “совук” ва “иссиқ” рангларга таъсирини, миқдорини аниқловчи маҳсус таблица мавжуд. Маълумки хона деворларининг, шип ва полнинг ранги қандай бўялганлиги хона ўлчовини кўз билан чамалашимиизда ўзгартириб юбориши мумкин. Интеръер дизайнда электр ёруғлик нури хонадаги ҳар бир рангни ўзгартириб, ўз таъсирини ўтказади. Бу нур хонадаги жиҳозлар жойлашувининг киши кўзига кўриниш рангини тамоман ўзгартириб юбориши мумкин. Ёритгич нурининг қандай тушишига қараб жиҳозларнинг бири сиздан узоқлашгандек, яна бири сизга яқин тургандек бўлиб кўринади. Тўқ ранглар хонани кичкина, шипни паст кўрсатади. Ёрқин ранглар хонани кенг, шипни баландроқ қилиб оптик жихатдан кўрсатади. Совуқ ҳаво ранг туслар кенглик таассуротини беради. Девор ва шип оптик узоқлашади. Илиқ қизғиш ранглар тескари эффект беради. Худди томошабинга девор ва шип яқинлашаётгандек туюлади.

Сарғиш илиқ ранглар қизилга қараганда агрессивлиги камроқ. Тўқ туслари хонани торайтириб, оч туслари кенгроқ кўрсатади. Агар хона жуда узун бўлса, бу ҳолатда унинг ўлчовини меъёрда кўрсатиш учун яна ёруғлик нуридан фойдаланилади. Бунда хона деворларини кўпроқ ёритиб, сунъий кенглик ҳосил қилинади ва хонанинг узун томонига ёруғлик нури берилмайди. Бино лойиҳасида ёруғлик нурининг иштироки бу – “сехрли фонар” деганидир. Яъни бу нурсиз биз “соялар театри”ни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Бу табиий ва сунъий ёруғликка ҳам тааллуқлидир. Бу ерда экран – девордир. Ҳаракатлантирувчи куч эса бу – ўсимликлар, статуэткалар, турли шаклдаги светильниклар. Нур эса худди қоидадек аниқ йўналтирилган бўлади. У марказдан чиқиб, экран томон йўналади. Экрандан олинган эстетик таъсир эса катта. Деворларда соялар акс этиб, хонада янги фикр ва маънолар пайдо бўлади. Масалан, қоронғу ўрмонга яқинлашаётган

олов... Рангли ёритгич интерьера янги кайфият бергани учун ҳам машхурдир. Бундан ташқари рангли ёритгич киши кайфиятини ростлаб, ўзини яхши ҳис қилишга сабаб бўлади. Маълумки ҳар хил ранглар ҳис-туйғуларга таъсир қилиб, турли туйғуларни уйғотади, тетиклантиради, куч беради ва хотиржамлик бағишлайди.

Бола рангни хеч бир муболағасиз ва аниқ қабул қиласди. У рангга муносабатини шакллантиради. “Болалар ранглардан хақиқий витаминлардан озиқлангандек озиқланади” деган фикрлар ҳамм мавжуд. Катталар ҳар куни ишдан чарчаб илиқ, пастел ва хирароқ рангларга интилишса, болалар эса ёрқин рангларга интилишади. Ранглар гаммасини танлаш орқали болалар ўкув биноларининг интерьерини безашда, болаларни босқичма-босқич ўсишида сенсор ривожланиш асосий фактор ҳисобланишини инобатга олиш зарур. Бу қабул қилиш ривожи, ҳис қилиш органларининг фаолиятини такомиллаштиради. Бунда предметларнинг ташқи хусусиятини намойиши шаклланади (ранг, шакл, ҳажм, дид ва х.к.).

Мактабгача ёшдаги болалар учун сенсорли ривожланиш муҳим аҳамиятга эга. У боланинг атроф – олам хақидаги тасаввурларини шаклланишига ёрдам беради ҳамда таълимга ва ижодга бўлган қобилятини намоён қиласди. Рангларни тўғри қабул қила олмаслик, уни шакли, ҳажми, ҳолатини муваффақиятли англай олишини имкони йўқ. Боланинг илк гўдаклик чоғиданоқ шифокорлар уни атрофини ёрқин ранглардаги буюмлар билан жихозлашни тавсия этишади. Боланинг ақлий ривожланиши учун етарли даражада тасаввурга эга бўлиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Панкратова А.В. Дизайн интерьера как семиотическая структура. Автореферат дисс. канд. филосовских наук// Смоленск: 2007г. – 178с.
2. Змановских Э.В. Художественные приемы и технологические средства в дизайне интерьера общественных зданий. Автореферат дисс.на соискание ученой степени канд.технических наук// Санкт-Петербург: 2009 г. – 20с
3. Калмыков Д. Методы проектирования в дизайне и разработка дизайнконцепций.
4. Романова Г.С. Влияние цвета на человека. Источник: Промышленный дизайн - 2008 / Материалы доклада. - Донецк, ДонНТУ - 2008, с.20.
5. Ходжаев А., Ташмуҳамедова О., Носиров А. Ихтисослаштирилган санъат мактабларида ижодкорлик мухитини яратишга хизмат қиласиган интерьернинг концептуал асосларини излаш. “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий-техник журнали. Самарқанд 2013. – №4. – 6.53-55.

6. Ходжаев А., Ташмухамедова О., Носиров А. Ранглар асрори. Гулистон журнали. Тошкент 2014. – №2. – 6.10.
7. Ташмухамедова О. Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг интеръер дизайнни ва муҳит-дизайнида бадиий ечимнинг аҳамияти. “Санъатёшлар нигоҳида” илмий – амалий тўплам. Тошкент 2014. – 6.97-100.
8. <http://www.catsparella.com>
9. <http://iqrat.com>
10. <http://arteluce.ru/svetovoj-dizajn-interera>
11. <http://www.oknabober.ru>
12. <http://ru.wikipedia.org>